



## ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ ТИЗИМИДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

и.ф.д., проф. **Беркинов Бозорбой**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
ORCID: 0009-0004-3374-2104  
[b.berkinov@tsue.uz](mailto:b.berkinov@tsue.uz)

**Аннотация.** Ўзбекистон маҳаллалари тизимида яшовчи аҳоли уй хўжаликлари мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Айниқса, уй хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси ўсиб бориш тенденциясига эга. Шуларни ҳисобга олиб мақолада уй хўжаликларида деҳқончилик ва чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш истиқболлари эконометрик усуллар орқали прогноз қилинган.

**Калит сўзлар:** маҳалла тизими, уй хўжалиги, ҳосилдорлик, эконометрик моделлар, прогноз кўрсаткичлар.

## ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ДОМОХОЗЯЙСТВ В СИСТЕМЕ МАХАЛЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА

д.э.н., проф. **Беркинов Бозорбой**  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** Особое место в экономике Узбекистана занимают домашние хозяйства в системе махалли. В последние годы впечатляет динамика роста производства сельскохозяйственной продукции, которое население производит в своих хозяйствах в махаллях. В связи с этим, в статье с использованием эконометрических методов осуществлен прогноз перспектив производства продукции растениеводства и животноводства в домашних хозяйствах.

**Ключевые слова:** система махалли, домашние хозяйства, урожайность, эконометрические модели, прогнозные показатели.

## PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF HOUSEHOLDS IN THE MAHALLA SYSTEM OF UZBEKISTAN

DSc, prof. **Berkinov Bozorboy**  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** Households within the mahalla system occupy a special place in the economy of Uzbekistan. In recent years, the growth rate of agricultural production, produced by households within mahallas, has been impressive. In this regard, the article, using econometric methods, forecasts the prospects for the production of crop and livestock products in households.

**Keywords:** mahalla system, households, productivity, econometric models, forecast indicators.

### **Кириш.**

Ўзбекистон маҳалла тизимида уй хўжаликлари меҳнат ресурслари ва аҳолини иш билан таъминлашда асосий манба ҳисобланади. Ҳозирги босқичда республикада қарийб 7,5 млн. уй хўжаликлари фаолият юритмоқда. Шу нуқтаи назардан, уй хўжалиги кенг маънода ўта мураккаб, кўп қиррали ва кўп жиҳатли бўлиб, оила фаолиятини юритиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда асосий ўрин тутаяди. Шуларни ҳисобга олганда, ушбу тадқиқотда Ўзбекистон маҳалла тизимида уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш ва уларни истиқболда ривожланиш тенденцияларини билишга иқтисодиёт ва институционал ислохотлар трансформациясини изчил давом эттиришнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти, 2023) ҳозирги босқичида муҳим стратегик аҳамиятга эга вазифа сифатида қараш лозим. Маҳаллаларда яшовчи аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли прогнозини аниқлаш билан бандлик ҳамда камбағалликни қисқартиришга мутаносиб равишда хизмат қилади. Шуларни ҳисобга олиб тадқиқотда, маҳалла тизимида уй хўжалигида аграр соҳа маҳсулотлари ишлаб чиқариш истиқболлини қисқа, ўрта ва узоқ муддатга эконометрик прогноз қилиш ва уни баҳолаш мақсади қўйилган.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Ўзбекистонда маҳалла тизимида яқка оила ёки улар гуруҳида, оилалар сонига мос уй хўжаликлари шаклланган. Улар маҳаллалар ривожланишида асосий аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боис маҳаллаларда уй хўжаликлари муаммоларига кейинги йилларда тадқиқотчилар эътибори кучаймоқда. Бозор шароитида уй хўжаликларининг иқтисодиёт сектори сифатида ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, молиявий ва бошқа функциялари ҳамда уларнинг давлат ва жамият билан алоқалари тамоиллари Маршалл (1993), Макконелл ва Брю (1992), Мэнкью (1999), Чаянов (1989), Капельюшников (2005), Кокин (2009), Можайкина (n.d.), Прищепа (n.d.) ва бошқалар тадқиқотларида кенг ўрганилган. Ушбу олимлар уй хўжаликлари меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг манбаси, аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий омили ва жамиятда яратилган маҳсулот (хизмат)ларнинг пировард натижада истеъмолчиси эканлигини исботлашган.

Мамлакатимизда уй хўжалиги иқтисодиёти Газиёв (2011), Ходиев (2000), Абсаматов (2000), Аралов (2011) ва бошқа муаллифлар томонидан ўрганилган. Улар илмий ишларида маҳалла ҳудудида кичик оилавий бизнесни ташкил қилишнинг ҳуқуқий ҳамда институционал жиҳатлари, тадбиркорликни ривожлантиришнинг эконометрик усуллари, уй хўжаликлари даромадини кўпайтириш йўллари (Шодиева, 2001; Ахмедов, 2014), шунингдек, кичик ҳудудда деҳқон хўжаликларини ривожлантириш (Абсаматов, 2000) ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш (Аралов, 2011) масалалари таҳлил қилинган. Шуларга қарамасдан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган маҳалла тизими уй хўжаликларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг истиқболлари етарли даражада ўрганилмаган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ўзбекистонда маҳалла тизимида фаолият юритувчи уй хўжаликлари тўғрисидаги қонунлар ҳамда қонун ости расмий ҳужжатлар ушбу йўналиш тадқиқотларининг илмий методологик асослари бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, тадқиқотда таққослама таҳлил, эконометрик моделлаштириш, прогнозлаштириш ва уларни статистик баҳолаш усулларида фойдаланилади.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон маҳалла тизимида оилалар уй хўжалиги фаолият юретишининг асосий механизми ҳисобланади. Уй хўжаликлари нафақат оила истеъмоли учун товар маҳсулотлари (хизматлар), озиқ-овқатлар ишлаб чиқаради, балким улар бозор сегментларида даромад учун ўз маҳсулотларини сотади ва мамлакат ички маҳсулоти шаклланишида асосий ўрин эгаллайди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегиясига ўтишнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилган ижтимоий – иқтисодий ислохотлар жараёнида оилалар уй хўжаликлари ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими шаклланди. Уй хўжаликларига қўшимча ер участкалари, кам таъминланган оилалар учун қорамоллар, пул маблағлари ҳамда ёш оилаларга уй – жой бериш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида Ўзбекистонда уй хўжаликлари сони ҳамда даромадлари кескин кўпайди, айниқса, уларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланиши тезлашди.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 2010 йилда 8,5; 2011 йилда 8,3; 2012 йилда 8,2; 2024 йилда 8,0 фоизга тенг бўлди. Умуман олганда, 2017–2024 йиллар давомида Ўзбекистонда ЯИМ 17,5 мартадан кўпроққа ошди.

Бундай ижобий ўзгаришларда республика уй хўжалиги сектори ҳам ўзига хос ўрин тутди. Статистик маълумотларга қараганда, республикада 2010 йилда 5380,3 мингта; 2022 йилда 7158,8 мингта ва 2024 йилда 7492,6 мингта уй хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар сони 2010 йилга солиштирганда қарийб 40 фоизга ошган. Эксперт баҳоларга қараганда республикада 3,5 млн.дан ошиқ қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари мавжуд.

Республика шаҳар ва туманларини ҳам қўшиб олганда, уй хўжаликлари сони (2024 й.) Самарқанд (807,3 минг), Фарғона (837,5 минг), Қашқадарё (711,5 минг), Андижон (693,4 минг), Наманган (620,2 минг), Тошкент (603,1 минг) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида (713,6 минг) энг кўп ҳисобланади. Бундай юқори кўрсаткичлар ушбу минтақаларда аҳоли сони кўплиги билан баҳолаш мумкин.

Мамлакат ҳудудлари бўйича уй хўжаликлари сони Қорақалпоғистон Республикасида 2024 йилда 2010 йилга солиштирганда 46,3 фоизга; Қашқадарё вилоятида 41,3 фоизга; Наманган вилоятида 50,3 фоизга; Фарғона вилоятида 41,2 фоизга; Хоразм вилоятида 42,4 фоизга кўпайган. Уй хўжаликлари сони шу даврда кўпайишнинг энг юқори кўрсаткичи Андижон (47,4 фоиз), Жиззах (51,3 фоиз), Қашқадарё (41,1 фоиз), Самарқанд (38,2 фоиз) ҳамда Тошкент шаҳрига (30,1 фоиз)га тўғри келади. Нисбатан паст ўсиш кўрсаткичи Тошкент (11,1 фоиз) вилоятида кузатилади.

Республика уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятида кейинги йилларда юқори ўсиш суръатлари юз берган. Уй хўжаликларида ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожини, улар даромадлари, истеъмоли ҳамда жамғаришнинг ўсишига асос яратди.

Уй хўжаликлари жамғармалари миқдори кўпайиши, уларни асосий капиталга киритаётган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш имкониятини берди. Шу даврда уй хўжаликлари томонидан асосий капиталга киритилган жами инвестициялар 12,6 мартага ошган. Шу билан бир вақтда уй хўжаликларининг асосий капиталга киритган инвестицияларининг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 20,6 фоиз.

Уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожланишини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда улар ойлик даромадларининг ҳамда истеъмоли ҳажмининг кейинги йилларда мутассил ошиб борган. Ўсиш тенденциясини аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй хўжаликлари ойлик истеъмолида ҳам кузатиш мумкин. Шу билан бир вақтда уй хўжаликлари даромадларининг истеъмолга ажратилаётган қисми, умумий оила даромадининг 2010 йилда 77 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилда 76,1 фоизга тенг бўлган. Даромадни истеъмолга ажратилган қисмининг бундай

юқори даражаси оилани ички талабларини ошиши билан бирга саноат тавсифидаги ноозиқ – овқат товарлар харид баҳоларининг ҳам ошиб бориши билан изоҳланади.

Уй хўжаликлари даромад ва истеъмолининг ўсишини оила тадбиркорлиги ривожланиши ва уни давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши натижалари сифатида баҳолаш ўринли ҳисобланади.

Уй хўжаликлари умумий даромадлари ва харажатлари таркибидаги ижобий силжишлар, мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг узвийлиги натижаси ҳисобланиб, улар аҳоли турмуш даражасининг ўсиб бораётганлигини кўрсатади.

Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2024 йилда ЯИМнинг 35,0 фоизи уй хўжаликларининг улушига тўғри келган, шундан 16,5 фоизи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарилган. Ушбу кўрсаткичлар 2021 йилда мос равишда 29,5 ва 11,5 га тенг бўлган. Ўзбекистон уй хўжаликларининг ЯИМдаги улушининг ўсиши, биринчидан, улар сонининг ва иккинчидан, ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажмининг, хусусан оила тадбиркорлиги кенгайиши ҳисобига юз бермоқда. Оилавий корхоналар сони 2024 йил бошига 2020 йилга нисбатан 17 423 бирликни ташкил этди ва бу шу йили 44 935 тага тенг бўлди. Бундай ўсиш савдо (6772 тадан 17 067 бирликга), саноат (9304 дан 11 894 бирликга), яшаш ва овқатланиш хизмати (5719 дан 7603 бирликга) тармоқларида корхоналар сонининг кўпайиши ҳисобига юз берган.

Республикада уй хўжаликлари сони 2024 йилда 7492,6 мингтани ташкил этган. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 365,5 (ёки 5,1%), 2010 йилга нисбатан эса 2112,3 мингта (ёки 39,2%)га кўпдир. Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2024 йилда шахсий уй ёки квартирага эга бўлган уй хўжаликлари улуши 97,5% бўлган, ер майдонига эгалар улуши 83,4%, хусусий уйда яшовчилар 87,6% ни ташкил қилган.

Мамлакатимизда аҳоли жон бошига уй хўжаликлари ўртача даромади 2024 йилда 24,1 минг сўм бўлган, бу кўрсаткич 2022 йилда 18,4 минг сўм бўлган ёки шу даврда ўртача аҳоли жон бошига даромад 3,2 ф.б. кўпайган. Ўзбекистонда жами уй хўжалиги даромадида мулкӣ даромад олувчи шахслар улуши 2024 йилда 0,2 ф.б., даромад олувчи ёлланган ишчилар улуши қарийб 41 ф.б.га, тадбиркорлар ва ўзини-ўзи банд қилган шахслар улуши 48,8 ф.б.га тенг бўлган. Республика бўйича 2024 йилда уй хўжалиги харажатларида истеъмол харажатлари улуши 91,9 ф.б., шундан озиқ-овқатдаги истеъмол харажатлари улуши 57,5 ф.б., хизматлар харажатлари улуши 15,5 ф.б.ни ташкил этган.

Ўзбекистонда уй хўжаликлари сонининг ошиши уларга якка тартибда уй-жой қуриш ҳамда деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратиб берилаётган томорқа ерларининг кўпайиши орқали юз бермоқда. Уй хўжаликлари ихтиёридаги умумий ер майдони 2000 йилда 579 минг гектарни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2024 йилда 786 минг гектарга тенг бўлган. Ўзбекистонда уй хўжаликларига ажратилган ерларнинг 81,4%да қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади (деҳқон хўжаликлари шаклида). Умуман олганда уй хўжаликлари улушига республикадаги жами ер майдонларининг 3,5 фоизи (2024 й.), қишлоқ хўжалик ерларининг 3,3; ҳайдаладиган ерларнинг 10,5 фоизи тўғри келади.

Республикада доннинг 18,1 фоизи, картошканинг 78 фоизи, сабзаёт маҳсулотларининг 66 фоизи, меванинг 54 фоизи, узумнинг қарийб 45 фоизи уй хўжаликларида ишлаб чиқарилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга эътибор кучаймоқда. Шу туфайли фермерлар ишлаб чиқараётган деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми ўсмоқда. Бу фермерларнинг республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушини ҳам оширмоқда. Шу туфайли уй хўжаликларининг деҳқончиликдаги улуши нисбатан пасайиши тенденцияси кузатилмоқда. Шу билан бир вақтда, уй хўжаликларининг чорва

моллари ва паррандаларнинг бош сони ҳамда маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги ўрнининг юқори даражаси сақланиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги қора моллар сонининг 90 фоизидан кўпроғи, қўй ва эчкиларнинг қарийб 80 фоизи, паррандаларнинг 60 фоиздан ортиғи уй хўжаликларида жойлашган. Ўзбекистонда ўртача битта уй хўжалигига (қишлоқ жойларида) 2,5 бош қорамол (шундан 1,4 боши соғин сигир), 3,5 бош қўй ва эчки, 8 бош парранда тўғри келади.

Статистик маълумотларга кўра, дон ҳосилдорлиги фермер хўжаликларида 2024 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 2,5 мартага, уй хўжаликларида эса шу даврда ҳосилдорлик ошмаган. Уй хўжаликларида дон экинлари ҳосилдорлиги бир гектаридан 2024 йилда 38,4 центнерга, фермер хўжаликларида эса 56,6 центнерга тенг бўлган. Ёки шу даврда фермер хўжаликларида 1 гектар ердан уй хўжаликларига нисбатан қарийб 18,2 центнер кўп дон ҳосили етиштирилган (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2024 йил давомида фермер хўжаликлари бир гектардан олинган маҳсулоти қиймати 75,9 млн. сўмни, уй хўжаликлари маҳсулоти эса 48,8 млн. сўмни ташкил қилган. Уй хўжаликлари 2024 йилда фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қийматига нисбатан 2,6 марта кўп маҳсулот ишлаб чиқарган. Ушбу нисбат 2024 йилда 2000 йилга нисбатан мос равишда қарийб 40 ва 25,8 млн. сўмни ташкил этган. Бундай ҳолатни, биринчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги фермер хўжаликларининг катта тажрибаси билан ва иккинчидан, улар маҳсулотлари таркибида бозор баҳоси нисбатан юқори бўлган гўшт, сут, тухум ҳамда уй шароитида қайта ишланган маҳсулотлар улуши юқорилиги билан изоҳлаш мумкин.

1-жадвал

**Ўзбекистонда фермер ва уй хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари**

Йиллар	Асосий экин турлари ҳосилдорлиги, ц/га								Бир гектар ердан ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати, млн. сўм	
	Дон экинлари		Картошка		Сабзавот		Полиз			
	Фермер хўжалиги	Уй хўжалиги	Ф\х	У\х	Ф\х	У\х	Ф\х	У\х	Ф\х	У\х
2000	22,3	38,8	118,5	143,5	154,1	228,7	77,7	185,0	42	23
2005	38,1	53,6	158,3	189,0	221,3	273,2	138,9	238,3	48	26
2023	54,9	38,0	185,6	204,7	211,5	239,8	165,7	222,5	64,9	30,8
2024	56,6	38,4	194,2	207,1	223,5	201,7	163,3	182,5	75,9	48,8

*Манба: ЎЗР Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Шундай қилиб, Ўзбекистонда кейинги йилларда уй хўжаликларида деҳқончилик ва чорва маҳсулотларини аҳоли истеъмоли ва бозор талаблари асосида диверсификация қилиниши, давлат томонидан уларни қўллаб – қувватлаш, нафақат уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожига ва таркибий ўзгаришларга олиб келди, балки уй хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Шуларни ҳисобга олганда уй хўжаликларини мамлакат ва унинг қишлоқ ҳудудларида маҳаллаларни ривожигаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, улар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, маҳалла тизими уй хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожланиш истиқболлари кўп вариантли прогноз қилинди. Прогноз вариантлари чизиқли, логарифмик, полиминал, даражали ва

экспоненциал тренд функциялари кўринишидаги эконометрик моделлар тузиш орқали аниқланди.

Эконометрик моделларнинг статистик баҳолаш мезонлари қийматларини таққослаш йўли билан икки тури танлаб олинди. Танланган моделларнинг биринчи тури прогноз қилинаётган кўрсаткичнинг қуйи чегарасини (I-вариант), иккинчи тури эса унинг юқори чегарасини (II-вариант) белгилайди. Қуйи чегара маҳалла уй хўжаликлари ривожланишининг ҳозирги тенденцияларини сақланиб қолишига, юқориси эса истиқболда уй хўжаликлари салоҳиятининг ошиши, уй хўжалигига зарурий сармоялар киритиш кўпайиши ҳамда уларни давлат томонидан рағбатлантиришнинг кучайиши ҳолатларига мос келади. Вариантлар бўйича ишлаб чиқилган прогноз натижалари қисқа (1-2), ўрта (2-3) ва узоқ (3-5 йил) муддатларда амалга оширилиши мумкин.

Уй хўжаликларида деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини прогнозлашнинг танланган эконометрик моделлари натижалари таҳлили қуйидагилардан иборат.

Ўзбекистон уй хўжаликларида деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни прогноз қилиш моделлари

а) дон ишлаб чиқариш:

$$y_1 = 1126.1 * x^{0.0826}; (R^2=0.89); y_2=29.18 * x+1130.4; (R^2=0.75), (1)$$

б) картошка:

$$y_1=102.58x+727.8; (R^2=0.98); y_2=2.27x^2+84.34x+755.21; (R^2=0.98), (2)$$

в) сабзавот:

$$y_1 = 25.4.6x^{0.256}; (R^2=0.88); y_2=298.6x+2278.1; (R^2=0.98), (3)$$

г) мевалар:

$$y_1 = 44.06x+613.6; (R^2=0.78); y_2=2.069x^2+638.74; (R^2=0.79), (4)$$

д) узум:

$$y_1 = 13.96x+345.2; (R^2=0.77); y_2=1.012x^2+5.869x+357.3; (R^2=0.78), (5)$$

Чорвачилик маҳсулотлари ҳажмини прогноз қилиш учун ҳам шу тоифадаги эконометрик моделлар ишлаб чиқилди. Ушбу моделлар Стюдентнинг  $t$  – мезони бўйича ҳақиқий қийматлари унинг жадвал қийматларидан катта, бу прогноз қилинаётган кўрсаткич билан вақт бирлиги орасида фавқулотда тебранишлардан холи бўлган тренд мавжудлигини исботлайди.

2-жадвал

**Ўзбекистон уй хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланишининг прогноз вариантлари (минг тн.)**

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда	Қисқа муддат (1-2 йил)		Ўрта муддат (2-3 йил)		Узоқ муддат (3-5 йил)	
		I вариант	II вариант	I вариант	II вариант	I вариант	II вариант
Дон	1362	1382	1421	1419	1537	1435	1595
Картошка	1553	1789	1756	2168	2280	2374	2541
Сабзавот	4977	5445	5585	6743	8103	7392	9643
Мевалар	957	1054	1120	1098	1192	1318	1608
Узум	466	485	517	499	544	569	710
Гўшт (сўйилган вазнда)	942	955	968	1023	1048	1018	1087
Сут	7008	7625	7690	8690	9188	9130	9937
Тухум, млн. дона	2114	3453	3419	3749	3927	3757	4149

**Манба:** эконометрик моделлар асосида муаллиф томонидан прогноз қилинган.

Шу билан бир вақтда детерминация коэффицентлари ( $R^2$ ) қиймати, ҳар бир моделда юқори қийматга эга ва бу прогноз қилинаётган кўрсаткичнинг ижобий ўзгариши вақт омилига муҳим боғлиқлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқилган эконометрик моделлардан фойдаланиб Ўзбекистон уй хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожланиш истиқболларининг прогноз вариантлари аниқланди (2-жадвал).

Прогноз натижаларига кўра, истиқболда уй хўжаликларида барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилишнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолиш тенденцияси мавжуд. Уй хўжаликларида дон ишлаб чиқариш 2023-2024-йиллар ўртача ҳажмига нисбатан 5,4 (3-йил, I вар.) – 17,1 фоиз (5-йил, II вар.) оралиғида ўсиши мумкин (2-жадвал). Бу асосан дон экинлари ҳосилдорлигининг ошиши ҳисобига бўлади. Иккиламчи экинлар экиш кенгайиши ҳисобига умумий экиладиган ер майдонлари кенгайиши юз беради.

Прогноз қилинаётган даврларда уй хўжаликларида гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришида ҳам ижобий ўзгаришлар кутилади. Чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши энг аввало моллар бош сонининг кўпайиши ва улар маҳсулдорлигини ошиши ҳисобига юз беради. Таққослашлар шуни кўрсатадики, республика бўйича бир гектар ҳайдаладиган ерга ҳисоблаганда уй хўжалиги ихтиёридаги қора мол, қўй ва эчкиларнинг жойлашув зичлиги ошади. Қора моллар зичлиги республикада бир гектар ҳайдаладиган (2022 й. – 3353,3 млн. га) ер ҳисобига 2,5 бошдан (1-2 йилларда) 2-3 йилда 2,8 бошга, 3-5 йилда эса 3,1 бошга ошиши кутилади. Қўй ва эчкилар зичлиги бир гектар ҳайдаладиган ерга мос равишда 3,5 бошдан (1-2 йил), қарийб 5 бошга (3-5 йил) кўпайиши кутилади. Бундай ижобий ўзгаришлар маҳалла тизими уй хўжаликларининг республика чорвачилигидаги етакчилик ролини истиқболда ҳам сақланиб қолишини кўрсатади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин:

1. Ўзбекистонда маҳалла – бу аҳоли яшаб истиқомат қиладиган кичик ҳудуд сифатида оилани шакллантирувчи, инсонни вояга етказиб уни меҳнатга етакловчи, янгиликка йўл очувчи, даромад топиб, фаровон яшашни таъминловчи кўп қиррали фаолият юритувчи ижтимоий-иқтисодий тизимдир. Ушбу тизимнинг асосини инсон ва унинг эҳтиёжларини юзага келишини таъминловчи оилалар уй хўжалиги ташкил этади.

2. Мамлакатимизда ҳар бир маҳалла ҳудудида уй хўжаликлари ривожланиш босқичига ўтди. Маҳалла тизимида аҳоли сонининг муттасил ошиб бориши, улар даромадлари кўпайиши, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари сони ва сифати ошиши, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг кучайиши шулар қаторига киради.

3. Ўзбекистон маҳаллалари тизимида ҳукумат томонидан жойларда маҳаллалар уюшмасини ташкил этилиши, оила уй хўжаликларини янада ривожлантириш, аҳолини яшаш шароитини юқори поғонага кўтариш, айниқса, уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятларини кенгайтиришга катта йўл очмоқда.

4. Ўзбекистон маҳалла тизими уй хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 2023 йилда 283 254,0 млрд. сўмга тенг бўлган. Бу 2022 йилга нисбатан 17,2 фоизга ёки 41619,8 млрд. сўмга кўпдир.

5. Ҳисобланган прогноз кўрсаткичларидан мамлакатимиз маҳаллалари тизимида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф балансини асослашда фойдаланиш мумкин.

**Адабиётлар / Литература/References:**

- Абсаматов, А. (2000). Минтақада деҳқон хўжаликларини ривожлантириш масалалари. *Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси*, 4-сон.
- Аралов, Х. (2011). Деҳқон хўжаликларининг шаклланиши ва ҳуқуқий асослари. *Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги*, №2, 34 б.
- Ахмедов, У.К. (2014). Қишлоқ жойлари уй хўжаликларининг ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент: *Fan va texnologiya*, 152 бет.
- Газиев, Ш.М. (2011). Маҳалла ва кичик оилавий бизнес. *Оммабоп рисола*. Тошкент: ТДЮИ, 46 б.
- Гореева, Н.М., Демидова, Л.Н., Клозочуб, Л.М. ва бошқ. (2008). *Эконометрика. Учебное пособие*. Москва: Эксмо, 224 с.
- Капелюшников, Р. (2005). Занятость в домашних хозяйствах населения. *Вопросы экономики*, №7, с. 99–120.
- Кокин, А.С., Фетисов, В.Д. ва Фетисова, Т.В. (2009). Концептуальные основы финансового менеджмента домашних хозяйств. *Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского*, №1, с. 157–161. Мавжуд: [www.unn.ru/pages/issues/vestnik/99999999\\_West\\_2009.../25.pdf](http://www.unn.ru/pages/issues/vestnik/99999999_West_2009.../25.pdf)
- Макконелл, С.Р. ва Брю, С.Д. (1992). *Экономикс: принципы, проблемы и политика*. Т. 2. Москва: Республика, 396 с.
- Маршалл, А. (1993). *Принципы экономической науки*. В 3-х т., т. 2. Москва: Издательская группа «Прогресс-Универс», с. 42.
- Можайкина, Н.В. (йил кўрсатилмаган). Социально-экономическая сущность категории домохозяйства. Мавжуд: <http://www.nbiuv.gov>
- Мэнкью, Н.Г. (1999). *Принципы в экономике*. Санкт-Петербург: ПитерКом, с. 48.
- Прищепа, Л.И. (2009). Экономическая роль домохозяйства и семьи в благосостоянии страны. *Вестник БДУ*, сер. 3, №3, с. 83–87. Мавжуд: [www.elib.bsu.by/bitstream/123456789/5804](http://www.elib.bsu.by/bitstream/123456789/5804)
- Ўзбекистон Республикаси Президенти (2023). *Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида*. Фармон. Янги Ўзбекистон газетаси, 12.10.2023, №185.
- Ходиев, Б.Ю. (2000). *Ўзбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш*. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент: ТДИУ, 38 б.
- Чаянов, А.В. (1989). *Избранные произведения*. Научное издание. Сост. Е.В. Серова. Москва: Моск. рабочий, с. 39–40.
- Шодиева, Г.М. (2001). *Оила хўжалиги мулки ва даромадини кўпайтириш йўллари*. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент, 24 б.